

2025 йил январ-декабр ойларида комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги **ҲИСОБОТИ**

Зарафшон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, юқори ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли яшаши ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, яшил тамойил ва ёндашувларни кенг жорий этиш, иқтисодий ўсишга туртки берувчи драйвер лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида ўтган 2025 йил давомида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Амалий ишлар натижаси йил якуни билан сарҳисоб бўлди. Хусусан, Зарафшон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча йўналишдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар 2025 йил январ-декабр ойларида қўйидагиларни ташкил қилди:

-саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **1 067,9 млрд сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **110,1 фоиз**ни;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **96,8 млрд сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **100,1 фоиз**ни;

-қурилиш ишлари ҳажми **1 185,3 млрд сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **101,5 фоиз**ни;

-хизматлар ҳажми **2 114,8 млрд сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **113,9 фоиз**ни;

-чакана савдо айланмаси **1 717,2 млрд сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **109,7 фоиз**ни;

-асосий капиталга инвестициялар ҳажми **1 381,1 млрд сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **111,1 фоиз**ни ташкил этмоқда.

2025 йил ҳудудий инвестиция дастури бўйича Зарафшон шаҳрида йил якуни билан **15,4 млн доллар**лик **56 та** лойиҳаларни ишга туширилиши ҳисобига **584 та** янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди.

Жумладан, 2025 йил якунида қиймати **17,8 млн доллар**лик **56 та** инвестиция лойиҳалари тўлиқ ишга туширилиши натижасида **519 та** янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Шунингдек, қўшимча ишга туширилган қиймати **22,0 млрд сўм**лик **2 та** инвестиция лойиҳалари тўлиқ ишга туширилиши натижасида **68 та** янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Шаҳарда 2025 йилда **50 млн. доллар**лик хорижий инвестицияларни

ўзлаштириш белгиланган эди.

Йил якуни билан **51 млн доллар** ёки режага нисбатан **103 фоиз** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Экспорт бўйича 2025 йил учун **5,1 млн.доллар**лик экспорт режаси белгиланган эди.

Жумладан, амалда **6 та** корхоналар томонидан **7,4 млн доллар**лик маҳсулотлар экспорт қилинди ва режа **145 фоиз**га бажарилди.

Драйвер лойиҳалар бўйича Зарафшон шаҳрида 2025 йилда жами **6 та** “драйвер” лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 1-босқичда **3 та** лойиҳа ишга туширилиши белгиланган. Ушбу мақсадда Республика бюджетидан **7,361 млрд. сўм** маблағ ажратилиб, 1-босқичдаги **3 та** лойиҳалар доирасида бугунги кунда **180 та** иш ўринлари яратилди.

2-босқичдаги лойиҳалар доирасида пудрат ташкилотлари аниқланиб, қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, А-379 халқаро йўл бўйида **20 та** хизмат кўрсатиш объектлари, Қурувчи маҳалласи ҳудудида шаҳар марказидаги Олтин тож истироҳат боғи ёнида туну-кун 24/7 режимда ишлайдиган Ёшлар сайлгоҳи хизмат кўрсатиш кўчаси, Юлдуз маҳалласи ҳудудида **20 та** объектдан иборат хизмат кўрсатиш кўчаси ишга туширилди.

Бандлик йўналиши бўйича 2025 йил 1 январ ҳолатига **1964 нафар** (**4,2 фоиз**) ишсиз аҳоли мавжуд бўлиб, 2026 йил 1 январ ҳолатига **1708 нафар** (**3,7 фоиз**)ни ташкил этмоқда.

2025 йилнинг январ - декабр ойларида шаҳарда **5 641 та** иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлса, амалда **6 886 та** яратилиб, йиллик режа кўрсаткичига нисбатан **122,1 фоиз**га бажарилган.

Жумладан соҳалар кесмида:

Ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш ҳисобига **410 та** янги иш ўринлари яратилди.

Тижорат банклари ҳисобига **4 417 та** иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлса, амалда **5 856 та** яратилиб, йиллик режа кўрсаткичига нисбатан **132,6 фоиз**га бажарилган.

Жумладан йўналишлар кесимида:

2 048 та аҳолини доимий ишга жойлаштириш йўналишида,

3 808 та аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш йўналишида,

508 та қурилиш соҳаси йўналишида ва **112 та** бошқа йўналишларда янги иш ўринлари яратилган.

Камбағалликни бартараф этиш йўналишида 2025 йилда **152 та** оилани камбағалликдан чиқариш бўйича режа қилинган бўлиб, йил давомида **195 та** оила билан доимий ишлар олиб борилди ва **352 тур**даги бандлик хизматлари кўрсатилди. Камбағал оила аъзоларидан:

- **135 нафар** доимий ишга жойлаштирилди;
- **62 нафар** фуқарога дастурлар доирасида субсидия ва кредитлар ажратилди;
- **152 нафар** фуқаро тадбиркорликка жалб этилди;
- **3 нафар** касб-ҳунарга ўқитилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва кредитлар ажратиш бўйича 2025 йилда Зарафшон шаҳрида Сайхунобод тажрибаси асосида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан инфратузилмага уланиш, молиявий қўллаб-қувватлаш орқали **600 та** микролойиҳаларни амалга ошириш бўйича режа белгиланган бўлиб, бугунги кунда **703 та**си ёки **117 фоиз**га бажарилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **7,1 млрд.сўм**лик кредит ажратиш режа қилинган бўлиб, йил мобайнида **8,2 млрд.сўм**лик кредитлар ажратилди ёки **115 фоиз**га бажарилиши натижасида **343 нафар** аҳоли бизнесга жалб қилинди.

“Бизнесга биринчи қадам” дастури асосида **12,7 млрд.сўм** кредит ажратиш режа қилинган бўлиб, йил мобайнида **17,3 млрд.сўм** ёки **136 фоиз**га бажарилди.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури асосида **13,0 млрд.сўм** кредит ажратиш режа қилинган бўлиб, йил мобайнида **29,8 млрд.сўм** ёки **229 фоиз**га бажарилди.

Энди эътиборларингизга **2026 йилда амалга ошириладиган ишларимиз ва режаларимиз** тўғрисида тўхталсам.

2026 йил учун Зарафшон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръати прогноз параметрлари белгиланди: Хусусан:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **108,0 фоиз**ни;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **104,2 фоиз**ни;
- қурилиш ишлари ҳажми **107 фоиз**ни;
- бозор хизматлари ҳажми **113,8 фоиз**ни ташкил этиш режаси белгиланди.

Бандлик йўналиши бўйича 2026 йилда аҳолини доимий ишга жойлаштириш, даромадини ошириш ва яширин иш ўринларини соядан чиқариш мақсадли кўрсаткичларига асосан жами **11 965 тани** ташкил этиб,

-шундан доимий ишга жойлаштириш йўналишида **2 111 та**;

-даромадини ошириш йўналишида **6 514 та**;

-иш ўринларини соядан чиқариш (лигаллаштириш) йўналишида **3 340 тани** ўзимизга мақсад қилиб олганмиз.

Камбағалликни бартараф этиш бўйича Зарафшон шаҳри 2026 йил якунида камбағалликдан ҳоли ҳудудга айланиши мақсад қилинган.

Драйвер лойиҳалар бўйича 2026 йилда ҳам “драйвер” лойиҳалар доирасида **4 та** лойиҳамиз учун **13,5 млрд сўм** маблағ ажратилмоқда.

Худудий инвестиция дастури бўйича Шаҳарда 2026 йил учун худудий инвестиция дастури доирасида қиймати **23,8 млн долларлик 53 та** лойиҳаларни ишга туширилиши ҳисобига **493 та** янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

2026 йилда **62,0 млн долларлик** хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланиши кутилмоқда.

Экспорт бўйича 2026 йил учун **3,8 млн долларлик** экспорт режаси белгиланди.

Зарафшон шаҳрида **импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга ошириш ва маҳаллийлаштириш бўйича** қатор ишлар амалга ошириш саноат соҳасида умумий қиймати **315,0 млрд сўмга** яқин **5 та** маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг манзилли дастури шакллантирилиб, ушбу лойиҳалар негизида **экспортбоп** маҳсулот ишлаб чиқаришни тўлиқ таъминлаймиз.

Жорий йил 10 феврал куни Мухтарам Президентимизга **Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва устувор вазифаларга бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.** Ушбу тақдимотда Зарафшон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгиланди.

Хусусан:

- Олмалиқ шаҳри мисолида эҳтиёждан келиб чиқиб, автобус ва микроавтобуслар харид қилиш орқали брутто шартномаси асосида жамоат транспорти хизматини ривожлантириш;

- Давлат аҳамиятидаги А-379 автомобил йўлини реконструкция қилиш учун техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш;

- Навоий-Зарафшон-Учқудуқ йўналишида темир йўл қатновини йўлга қўйиш ва электрлаштириш лойиҳасининг техник асосларини ишлаб чиқиш;
- Шаҳарнинг Кончилар МФЙдаги 360 ўринли 7-сон ва Баҳор МФЙдаги 240 ўринли 9-сон Давлат мактабгача таълим ташкилотларини мукаммал таъмирлаш;
- 1960-1985 йилларда қурилган оқова сув ва ичимлик суви қувурларини реконструкция қилиш каби муҳим масалалар ўз ечимини топмоқда.

“Zarafshonshahargaz” gaz ta’minoti bo‘limi tomonidan shahrimizda gaz ta’minotini yaxshilash, aholi va ijtimoiy soha obyektlarini bir maoromda tabiiy va suyultirilgan gaz bilan ta’minlash bo‘yicha 2025-yilda bajariladigan ishlar

Bugungi kunda Zarafshon shahrida aholi iste’molchilar **25 644** tani, shundan **21 033** ta ko‘p qavatli, **4 611** ta yerli uylarni, **304** ta ulgurji iste’molchilarni va **1682** ta suyultirilgan gaz iste’molchilarini tashkil qiladi.

2025-yilning yanvar dekabr oylari davomida ushbu iste’molchilarga jami **44,6** mln metr kub ya’ni **57** mlrd **800** mln so‘mlik tabiiy gaz va **191,7** tonna **383** mln **400** ming so‘mlik imtiyozli narxlarda suyultirilgan gaz yetkazib berildi.

2025-yil yanvar dekabr oylari davomida esa iste’molchilardan **61,7** mlrd so‘m mablag‘lar o‘ndirildi.

Bo‘limimiz tomonidan 2025-yil yanvar dekabr oylari davomida shahrimizda joylashgan harakatdagi **140,6** km gaz quvurlarining **8,2** km bo‘yoqlash ishlari rejalashtirilgan bo‘lib, hozirgi kunda **8,2** km gaz quvuri buyoqlandi, bugungi kunga **29,0** km yer osti gaz quvurlari pribor yordamida tekshirildi, yuqori va o‘rta bosimli **112** dona gaz taqsimlash qurilmalarda taftish va sozlash ishlarini olib borish rejalashtirilgan bo‘lib bugungi kunga **112** donasi taftishdan o‘tkazildi, **6,4** km gaz quvurlarini bosim ostida sinash va tozalash ishlari rejalashtirilgan bo‘lib bugungi kunga **10,9** km yer osti va yer usti gaz quvurlari bosim ostida sinaldi va tozalandi. Bundan tashqari shu yilning may-iyun oylarida aholi iste’molchilarini xavfsizligini ta’minlash va tabiiy gaz iqtisodini amalga oshirish maqsadida 12- kichik tuman hududidagi eskirgan **0,8** km yer osti gaz quvurini rekonstruksiya qilish va yer ustidan montaj qilish ishlari rejalashtirilgan bo‘lib bugungi kunga **0,9** km gaz quvuri montaj ishlari olib borildi.

Aholi xonadonlariga tabiiy gaz bosimini bir maoromda yetkazib berish va iqtisod qilish maqsadida “Misgarlar”, “Urajay” va “Nurli maskan” bog‘dorchilik jamiyatlaridagi **920** ta xonadonni uch bosqichli tizimdan ikki bosqichli tizimga o‘tkazib,

7 dona gaz taqsimlash qurilmasini demontaj qilish ishlari rejalashtirilgan bo‘lib bugungi kunda “Miskarlar” bog‘dorchilik jamiyati hududidagi 3 dona gaz taqsimlash qurilmasi demontaj qilinib 277 ta xonadon ikki bosqichli tizimga o‘tkazildi.

2025-yil davomida aholi va ulgurji iste’molchilariga jami 75,9 mln metr kub tabiiy va 250 tonna suyultirilgan gaz yetkazib berishni rejalashtirganmiz.

**Zarafshon shahar elektr ta’minoti korxonasi tomonidan
2025-yilning yanvar dekabr oylari davomida elektr
ta’minotini yaxshilash bo‘yicha amalga oshirilgan ishlar
to‘g‘risida**

Zarafshon shahrida jami 29 ming 76 nafar iste’molchilarga elektr energiyasi yetkazib berilmoqda, shundan aholi iste’molchilari 27 316 ta ulgurji iste’molchilari 1 760 tani tashkil qiladi. Barcha iste’molchilarga zamonaviy, masofadan boshqariladigan ASKUE elektr hisoblagichlar to‘liq o‘rnatilgan.

Zarafshon shahrida mavjud aholi va ulgurji istemolchilarining sutkalik elektr energiya istemoli 430 ming kvt/soat oylik istemoli 13 mln kvt/soatni tashkil etadi.

Zarafshon shahar elektr ta’minoti hisobida 139 dona transformator punktlari, 425,2 km 0.4-10-35 kVli havo va kabel elektr uzatish tarmoqlari mavjud.

Zarafshon shahar elektr ta’minoti korxonasi tomonidan 2025-yilning yanvar dekabr oylari davomida shahrimizda elektr ta’minotini yaxshilash va iste’molchilarga sifatli elektr energiyasi yetkazib berish bo‘yicha bir qator ishlar amalga oshirildi.

Jumladan, 2025-yil davomida 14 dona transformator punkti va 25,6 km 0,4-6/10 kVli elektr uzatish tarmog‘ini mukammal ta’mirlash va shuningdek, 30 dona transformator punkti va 66 km 0,4-6/10 kVli elektr uzatish tarmog‘i mukammal tamirlandi, 30 dona transformator punkti va 66 km 0,4-6/10 kVli elektr uzatish tarmog‘i joriy ta’mirlanib, belgilangan rejaga nisbatan 100 % ga bajarilishi ta’minlandi.

Zarafshon shahrining og'ir xududlardan biri Yangi Zarafshon MFY xududida elektr energiyasini uzatish tarmoqlari eskirganligi va transformator punktlari aholi istemolchilariga teng taqsimlanmaganligi, tamirtalab xolatiga kelganligi sababli ushbu xududda elektr taminotida uzilishlar yuzaga kelgan bu esa aholi istemolchilarinig xaqli etroziga sabab bo'lgan. Aholi istemolchilarinig murojatlarini ijobiy xal qilish ularni sifatli va uzliksiz elektr energiya bilan taminlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 23-sentabr "Kambag'allikdan farovonlik sari" dasturini amalga oshirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risidagi PQ-330 qarori asosida Yangi Zarafshon MFY hududida elektr ta'minotini yaxshilash bo'yicha **402 dona** temir beton tayanchlar, **14.6 km** havo elektr uzatish tarmoqlari va **2 dona** quvvati **250 va 400 kVA** bulgan transformatorlar yangidan o'rnatildi. Shuningdek mazkur elektr uzatish tarmog'ining **12.206 km** zamonaviy SIP-2 hamda **17 km** ga SIP-4 kabellari tortildi. Hududida joylashgan transformator punktlarini istemolchilarga teng taqsimlash maqsadida KTP-611 KTP-636 larni hudud markaziga kuchirilib foydalanishga topshirildi. Yuqorida amalga oshirilgan ishlar natijasida 708 ta aholi va 16 ta ulgurji istemolchilarining elektr energisi taminoti tubdan yangilandi.

Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 12.12.2024 yildagi PQ-430 sonli qaroriga asosan Yangi zarafshon MFYda **3,6 km** yuqori va past kuchlanishli elektr uzatish tarmoqlari, 65 dona temir beton tayanchlari va 1 dona yangidan qo'shimcha transformator o'rnatish ishlari olib borilmoqda.

Shuningdek, Navoiy viloyatida "Zarbdor" tajribasi asosida shakillantirilgan "Drayver" loyihalarni amalga oshirish uchun dastlabki manzilli dasturda "Alisher Navoiy" va "Yulduz" mahallalarida tadbirkorlarga ko'maklashish maqsadida 2 km yuqori kuchlanishli XEUT va 2 dona transformatorlar o'rnatib beriladi.

"Navoiy suv ta'minoti" AJ tomonidan 2025-yil yanvar dekabr oylarida qilingan ishlari bo'yicha

2025-yil yanvar dekabr oylarida Suv tozalash inshooti uchastkasi 1-sonli (QChTN) qum choʻkindi tashlash nasosi mukuammal taʼmirlandi, suv tozalash inshooti uchastkasi 2-sonli mashinalar zalida joylashgan 2-sonli (TSN) texnik suv oʻzatish nasosi mukuammal taʼmirlandi, Suv tozalash inshooti uchastkasida 4-chorak boʻyicha 2 dona nasos mukammal taʼmirlanadi, Oltin vodi, Baxor, Geolog xamda Quruvchi MFY larida **900 metr** ichimlik suv tarmogʻi joriy taʼmirlandi, Muruntau, Oltin Vodi, Quruvchi, Alisher Navoiy, Baxor Tinchlik xamda Yulduz MFYlarida **300 metr** ichimlik suv tarmogʻi joriy mukammal taʼmirlandi.

Navoiy viloyati Zarafshon shahar Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi boʻlim tomonidan kommunal sohaga oid yanvar dekabr oylarida amalga oshirilgan ishlari yuzasidan

Koʻp xonadonli uy-joy fondini 2025-2026-yillar kuz-qish mavsumiga tayyorlash maqsadida manzilli chora-tadbirlar dasturi shakllantirish uchun 75 ta koʻp kvartirali uylar boʻyicha nuqson dalolatnomalar rasmiylashtirib, bosh boshqarmaga taqdim etilgan.

Ushbu dasturga muvofiq shahardagi 6-kichik tuman “Istiqlol” MFY hududida joylashgan “Sanoat Zar-2022” Boshqaruv servis kompaniyasiga qarashli 7-sonli koʻp kvartirali uyning rejadagi 1,0 kv.m tom taʼmirlash ishlari boshlanmagan. 7-kichik tuman “Tinchlik” MFY hududida joylashgan “Zar Karvon BSK”ga qarashli 7-sonli koʻp kvartirali uyning rejadagi 0,3 kv.m, tom qismida taʼmirlash ishlari amalga oshirilgan. 15-sonli koʻp kvartirali uyning rejadagi 0,3 kv.m, tom qismidan 50% ga bajarilgan boʻlib, hozirda taʼmirlash ishlari davom etmoqda. 12-kichik tuman “Navroʻz” MFY hududida joylashgan “Zar Naʼmuna BSK”ga qarashli 42-sonli koʻp kvartirali uyning rejadagi 1,0 kv.m tom qismi amalda 1,5 kv.m qilib sifatli bajarilgan. “Yulduz” MFY hududidagi “Zar Naʼmuna BSK”ga qarashli uyning rejadagi 0,1 kv.m tom qismini taʼmirlangan. Dastur doirasida jami 5 ta uyning 2,9 kv.m tom qismining 2,2

kv.m. qismida joriy va mukammal ta'mirlash ishlarini amalga oshirgan.

Shuningdek dastur doirasida 10 ta uyning fasad qismini ta'mirlash belgilangan bo'lsada bugungi kunda 11-kichik tuman 42-sonli ko'p kvartirali uyning fasad qismini ta'mirlash ishlari 90% ga bajarilgan bo'lib ta'mirlash ishlari davom etmoqda.

Jumladan 2-kichik tumandagi "Zar golden Xaus-2022" BSKga qarashli 20 uy, (Uyutdom) "Zar kommunal Menenjeri" BSKga qarashli 23,24,25,26,27,28,29-sonli ko'p kvartirali uylar, 4-kichik tuman "Zar Siti" BSKga qarashli 34-sonli ko'p kvartirali uyning dastur doirasida amalag oshirilishi rejalashtirilgan fasad qismini ta'mirlash ishlari haligacha boshlanmagan.

"Issiqlik ta'minoti" MChJ tomonidan yanvar dekabr oylarida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan

Navoiy viloyati "Issiqlik ta'minoti" MChJ Zarafshon filialiga tegishli issiqlik ta'minoti ob'ektlari va uskunalarini yanvar dekabr oylarida **3,4 km** issiqlik tarmoqlari quvurlari joriy ta'mirlandi 100% ga bajarildi, **2,2 km** issiqlik tarmoqlari quvurlari mukammal ta'mirlandi. Qozonxonaning 14 dona qozoni va 14 dona nasoslari joriy ta'mirlanib, rejalashtirilgan ishlar 100% ga bajarildi.

**2025 йил январ-декабр ойларида ҳудудий
инвестициялар, экспорт йўналиши бўйича амалга
оширилаётган ишлар тўғрисидаги **ҲИСОБОТИ****

**2025 ЙИЛ ҲУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ
БЎЙИЧА:**

Зарафшон шаҳрида йил якуни билан ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати **15,4 млн. долларлик 56 та** лойиҳаларни ишга туширилиши ҳисобига **584 та** янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шундан, саноат соҳасида **20 та**, хизмат кўрсатиш соҳасида **36 та** лойиҳалар ишга туширилиши белгилаб берилган эди.

Жумладан, жорий йил 30-декабр ҳолатига қиймати **17,8 млн. долларлик 56 та** инвестиция лойиҳалари тўлиқ ишга туширилиши натижасида **519 тага** яқин янги иш ўринлари яратилишига эришилди Шундан, саноат соҳасида **18 та 2.76 млн.долл 108 та** иш ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида **38 та 15.07 млн.долл 411 та** иш ўринлари **яратилиб** лойиҳалар ишга туширилди.

Масалан:

"ZAR-VITA-LOR" МЧЖ томонидан *Хусусий клиника ташкил этиш лойиҳаси* доирасида 5,0 млрд сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши натижада 6 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган ва ишга тушурилди.

"QIZILQUM ZAR CAFEE " МЧЖ томонидан *Кафе ва ресторан хизматларини ташкил этиш лойиҳаси* доирасида 4,5 млрд сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши натижада 12 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган ва ишга тушурилди.

"DEFDSH MEGA TRADE" МЧЖ томонидан *Замонавий савдо комплекси ташкил этиш лойиҳаси* доирасида 2,0 млрд сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши натижада 13 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган ва ишга тушурилди.

Жумладан, қўшимча ишга туширилган қиймати **22,0 млрд. сўмлик 2 та** инвестиция лойиҳалари тўлиқ ишга

туширилиши натижасида **68 тага** яқин янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

2. Давлат дастури (*хорижий инвестиция*)

Шаҳарда 2025 йилда 50 млн. долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

*Давлатлар кесимида таҳлил қилинадиган бўлса хорижий инвестициялар асосан **Хитой** (48,8 млн. долл.), **Туркия** (0.2 млн.долл.), ва **бошқа давлатлар** (1 млн. долл.)дан жалб этилади.*

Маълумот учун:

Ушбу инвестициялар асосан шаҳарнинг драйвер тармоқлари ҳисобланган **қурилиш материаллари ва хизмат кўрсатиш (50,0 млн.долл.)**, йўналишида ўзлаштирилади.

Жорий йилнинг якуни учун **50 млн.** доллар инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кун ҳолатига **51 млн.** доллар ёки режага нисбатан **103 фоиз** инвестициялар ўзлаштирилганлиги тўғрисида статистик ҳисоботлар топширилди.

Маълумот учун:

- "SEPCOIII ELECTRIC POWYeR CONSTRUCTION ZARAFSHAN" МЧЖ ХК томонидан Шамол генераторларини қурилишига хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаси доирасида **30 млн доллар**;

- "AN SHUN MAX CONSTRUCTIONS ZARAFSHAN" МЧЖ ҚК томонидан гранит ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида **20 млн доллар**;

- "AREL KONFESION" МЧЖ ҚК томонидан Тўқимачилик маҳсулотлари ва галантереясини ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси доирасида **1 млн долларлик** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди

3. ЭКСПОРТ БЎЙИЧА

2025 йил учун **5,1 млн. долларлик** (шундан, **5,1 млн. саноат**) мева-сабзавот бўйича режа белгиланмаган экспорт режаси белгиланган.

Жумладан, жорий йил январ-декабр ойлари учун шаҳарда жами **5,1 млн долларлик** экспорт кўрсаткичларини белгиланган бўлиб, амалда **6 та** корхоналар томонидан **7,4 млн. долларлик** (шундан, **7400,7 минг.доллар** саноат,) маҳсулотлар экспорт қилинди ва режа 145 фоизга бажарилди.

Масалан:

- "AREL KONFEKSIYON" МЧЖда **81 минг. доллар** (Туркия),
- "AS-SAHIH GRAIN-FLOUR PRODUCTS" МЧЖда **4141.7 минг. доллар** (Авгонистон),
- "QIZILTEPA GEOLOGIYA KOMPANIYA" МЧЖда **13 минг. доллар** (Россия)
- "AN SHUN MAX CONSTRUCTIONS ZARAFSHAN" МЧЖ ҚК да **2990 минг. доллар** (Россия)
- "ZARAFSHON OYNA" МЧЖда **156 минг. доллар** (Тожикистон)
- "SULTAN-ALI EXPRESS TOUR" МЧЖда **19 минг. доллар** (Авгонистон),

Экспортчи корхоналар томонидан жами **7 400,7 минг. АҚШ доллари** миқдорида экспорт амалга оширилиб режага нисбатан **145 фоиз** кўрсаткич билан айрим ҳудудлардан ортта қолмоқдамиз.

Шунинг учун бу борада, шаҳарда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари ва бошқа мутасаддилар билан биргаликда импорт ўрнини босувчи ва кейинчалик экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан **шаҳримиз ҳудудига янги**

лойиҳалар жалб қилиниши бўйича кейинги даврдаги амалий ишларимизни бугун бошлашимиз зарур.

2026 йил учун ҳам инвестиция, экспорт йўналиши бўйича кенг кўламли вазифларни режа қилиб олганмиз.

Жумладан:

1. 2026 йил ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ БЎЙИЧА:

шаҳарда 2026 йил учун ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати **23,8 млн. долларлик 53 та** лойиҳаларни ишга туширилиши ҳисобига **493 та** янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шундан, саноат соҳасида **9 та**, хизмат кўрсатиш соҳасида **44 та** лойиҳалар ишга туширилиши кўзда тутилган.

2. Давлат дастури (хорижий инвестиция)

Шаҳарда 2026 йилда 62,0 млн. долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланиши кутилмоқда.

*Давлатлар кесимида таҳлил қилинадиган бўлса хорижий инвестициялар асосан **Хитой** (55,0 млн. долл.), ва **бошқа давлатлар** (7,0 млн. долл.)дан жалб этилиши режа қилиб олинди.*

Маълумот учун:

*- “Zarafshon оуна” МЧЖ томонидан калсинацияланган сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида **30,0 млн доллар**;*

*- "AN SHUN MAX CONSTRUCTIONS ZARAFSHAN" МЧЖ ҚК томонидан гранит ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида **25,0 млн доллар**;*

*- "HAR KUNI YANGI" МЧЖ ХК томонидан бурғулаш хизматини ташкил этиш лойиҳаси доирасида **7,0 млн долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштириш режалаштирилди.***

3. ЭКСПОРТ БЎЙИЧА

2026 йил учун **3,8** млн. долларлик (шундан, **3,8** млн. саноат) мева-сабзавот бўйича режа белгиланмаган экспорт режаси белгиланиши кутилмоқда.

Жумладан, 2026 йил шаҳарда жами **3 898** минг АҚШ долларлик экспорт кўрсаткичларини **5** та корхоналар томонидан маҳсулотлар экспорт амалга оширилиши режа қилиб олинди.

Масалан:

"AREL KONFEKSIYON" МЧЖда **200** минг. доллар (Туркия),
- "AS-SAHIH GRAIN-FLOUR PRODUCTS" МЧЖда **2000** минг. доллар (Авғонистон),
- "ZARAFSHON OYNA" МЧЖда **1000** минг. доллар (Тожикистон)
- "SULTAN-ALI EXPRESS TOUR" МЧЖда **198** минг. доллар (Авғонистон), - "AN SHUN MAX CONSTRUCTIONS ZARAFSHAN" МЧЖ ҚҚда **500** минг. доллар (Россия) давлатларига экспорт амалга оширилиши режалаштирилди.

Кейинги йилда Зарафшон шаҳрида **импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга ошириш ва маҳаллийлаштириш бўйича** қатор ишлар амалга ошириш саноат соҳасида умумий қиймати **315,0** млрд. сўмга яқин **5** та маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг манзилли дастури шакллантирилиб, ушбу лойиҳалар негизида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни тўлиқ таъминлашимиз зарур бўлади.

Маҳаллий инвестициялар дастурини шакллантириш ва мониторинг қилиш йўналишда, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш мобайнида лойиҳа параметрларида янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлсада, иш ўринларини яшириш каби муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Кейинги йил бошидан ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳи таркибига кирган тегишли мутасадди ташкилотлари томонидан лойиҳалар доирасида иш ўринларини легаллаштириш борасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик қилинмаслиги оқибатида жорий йил якунларида янги иш ўринлари бўйича қолоқликка дуч келишимиз мумкин.

Шу муносабат билан, ишчи гуруҳ томонидан ишларни жадаллаштириш ва тадбиркорлар ўртасида тўғри тарғибот ишларини олиб бориш, маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш бўйича кескин чоралар кўрилишида кўмаклашишларини сўраб қоламан.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БЎЙИЧА

Зарафшон шаҳрида биз аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор тизимли ишларни амалга оширдик.

1. Иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жорий йилда “Аёллар дафтари” тизими орқали 1700 нафар хотин-қизга тоифалар доирасида хизмат кўрсатилди:

“Аёллар дафтари” га киритилган 400 нафар ишсиз хотин-қизларнинг 174 нафари доимий ишга ҳамда 226 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланди.

“Аёллар дафтари” га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 58 нафар хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу маблағлар тикувчилик, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўз бизнесини бошлаш ва кенгайтиришга йўналтирилди.

Касб-ҳунарга ўқитиш: 122 нафар ишсиз аёллар турли касб-ҳунар ўқув марказларида бепул ўқитилди. Энг кўп талаб қилинган йўналишлар орасида ИТ, инглиз тили, бухгалтерия, пазандачилик ва тикувчилик бор. Ўқишни тугатганларнинг 70% иш билан таъминланди ёки ўз-ўзини банд қилди.

2. Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш;

“Аёллар дафтари” асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож 1237 нафар хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди. Бу ёрдам кам таъминланган, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотган аёлларга қаратилди.

2025 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича белгиланган

асосий вазифаларни амалга ошириш мақсадида Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2025 йил 14 мартдаги ПҚ-103-сон қарори бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ҳамроҳ” дастури доирасида 4 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги 402-сонли қарори бўйича тавсияномага эга бўлган 7 нафар ўқувчи қизларимиз имтиёз асосида ўқишга кирди.

Шаҳардан олисда жойлашган маҳаллаларимиздаги тиббиёт пунктларида хотин-қизлар учун bepул тиббий кўриклар ташкил этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ҳомиладор аёллар ва ёш оналар учун малакали шифокорлар иштирокида махсус консултациялар ўтказилди.

3. Ҳуқуқий ҳимоя ва гендер тенгликни таъминлаш;

Тазйиққа қарши кураш: Зўравонликдан жабрланган аёллар учун реабилитация маркази ташкил этилди. Бу марказларда аёлларга психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, 24/7 ишлайдиган ишонч телефонлари орқали ёрдам сўраб мурожаат қилган минглаб аёлларга маслаҳатлар берилди.

Қонунчиликни такомиллаштириш: Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир нечта қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, оилавий зўравонлик учун жазони кучайтириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Бугунги кунда Зарафшон шаҳрида 26 минг 117 та оила истиқомат қилади. Шаҳримизда амалга оширилаётган барча ишларимизнинг замирида оилаларни мустаҳкамлаш, фаровонлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш, оила деб аталмиш кичик масканда истиқомат қилаётган ҳар бир аъзосининг орзу-истакларини рўёбга чиқаришдек улкан мақсадлар мужассам.

Шунингдек шаҳримизда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Оила маскани”ни ташкил этилиб мазкур масканда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон қарорига асосан 320 та ФХДЁ бўлимига никоҳдан ўтиш учун ариза топширган жуфтликларимиз оилавий ҳаётга тайёрлаш марказида малакали мутахассислар томонидан ўқитилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шаҳримиздаги намунали ва фаровон турмуш кечираётган оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 11 нафар оилаларга “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Якуний сўзлар:

Амалга оширилган бу ишлар хотин-қизларимизнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келгуси даврда ҳам бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттирамиз ва янада янги, самарали лойиҳаларни амалга оширамиз.